



**ПРЕЗИДЕНТ АҚШ
ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ
ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Энтони Блинкен бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



**ПРЕЗИДЕНТЛАР
УЧРАШДИ**

Президент Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Боку шаҳрига келди ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан учрашди.



**ҲАР КУНИНГ НАВРЎЗ
БЎЛСИН!**

«2023 йилги Наврўз умум-халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, жорий йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!» деган бош ғоя асосида умум-халқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юксак савияда нишонланади.



**ЭНТОНИ БЛИНКЕН
ҲАЗРАТИ ИМОМ
МАЖМУАСИГА БОРДИ**

АҚШ Давлат котиби Энтони Блинкен Тошкентда расмийлар, хусусан, Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти билан учрашди. У, шунингдек, Ҳазрати Имом мажмуасига ҳам ташриф буюриб, меъморий обидалар билан танишди.

**ЯНГИЛАНГАН РЕЙТИНГДА
АБДУСАТТОРОВ ТЎРТИНЧИ,
СИНДОРОВ ЎН ИККИНЧИ
ЎРИНДА**



Халқаро шахмат федерацияси февраль ойи якуни бўйича янгиланган рейтингни эълон қилди. Унда ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов эришган натижалари асосида 22,28 очко билан 4-ўринни банд этган бўлса, Жавоҳир Синдоров 89 нафар кучлилар орасида 12-қаторда қайд этилди.

**UZBEKISTAN AIRWAYS
НАВРЎЗ БАЙРАМИГА
21 ФОИЗ ЧЕГИРМА
ЭЪЛОН ҚИЛДИ**



Uzbekistan Airways 2023 йилнинг 18 мартдан 22 мартгача Ўзбекистон бўйлаб амалга оширилаётган маҳаллий авиақатновларнинг эконорм ва бизнес класс тарифларига 21 фоиз чегирма эълон қилди.



**ЯХШИ КУН
САҲАРИДАН,
ЯХШИ ЙИЛ
БАҲОРИДАН
БИЛИНАР...**

>>> 3

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!
Ishonch

2023-йил
2-mart
payshanba
№ 28 (4780)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



**Жиззах
вилояти**

Тадбир

ЖИЗЗАХГА КЕЛУВЧИ САЙЁҲЛАР КЎПАЯДИ

Ички ва ташқи туризмни ривожлантириш борасида кейинги йилларда Жиззах вилоятида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳларнинг аксарият қисми воҳанинг этнографияси, экологик ўзига хосликлари, чекка ва овлоқ ҳудудларда яшаётган аҳолининг турмуш тарзи билан танишишни маъқул кўришмоқда. Уларнинг бу хоҳиш-истакларини рўйбга чиқаришда оилавий меҳмон уйлари-нинг ўрни беқиёс. Биргина 2022 йилда 67 та оилавий меҳмон уйи ташкил этилди.



Бугунги кунда вилоятда 427 та маданий мерос иншооти давлат муҳофазасига олинган. Улар орасида 268 та археологик ёдгорлик, 100 та архитектура ёдгорлиги, 59 та монументал ёдгорлик бор.

2023 йилда Зомин, Фориш, Арнасой туманларида 2 та меҳмонхона, 2 та кемпинг ва 18 та оилавий меҳмон уйи барпо этилади.

Шу ва шунга ўхшаш янгиликлар ҳақида вилоят ҳокимлигида «Вилоятда туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий

коммуникациялар соҳаси бўйича 2022 йил сарҳисоби ва 2023 йилга белгиланган режалар» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

– Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 февраль кунини вилоятимизга ташрифи чоғида олдимизга қўйган қатор вазифалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 апрелдаги «2022-2026 йилларда Жиззах вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада

яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ишимизни ана шу ҳужжатлар асосида олиб бораётишимиз, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари, туризм ва маданий мерос бoshқармаси бoshлиғи Синдор Раҳмонқулов.

Матбуот анжуманида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

Кун саволи



**Олий Мажлис
Сенатига!**

**ҚАРИГАНДА ҚАДР
ТОПМАЙМИЗМИ?**

1979 йилдан 2011 йилгача тракторчилик қилдим. Хўжалиқда қандай номуши бўлса, бажардим. Эрта тондан ярим тунгача қўлим қора мойга, кийимим лой ва чанга ботиб ишладим. Ишимиз қанчалик оғир бўлмасин, мошимизнинг тайини йўқ эди. Бир тележка сомон ёки арзиммаган ўзапопа ўтини учун ишладик. Пенсияга чиққач, мутахассислар иш ҳақим камлиги учун 500 минг сўм пенсия белгилади. Менга ўхшаб, умр бўйи давлатнинг ёки фермернинг қора меҳнатини қилган тракторчилар кўп: бажарган иши оғир, «стажи» катта, аммо бугунги кунда олаётган пенсияси арзиммаган миқдорда. Ишлаб туриб-ку, тайинли иш ҳақи ололмадик. Аммо ҳеч бўлмаса, қариганда яхшироқ яшашимиз учун пенсиямизни бироз кўтаришнинг иложи йўқми? Ахир, кам маош олганимиз айбимиз эмас-ку?

Биз каби умри меҳнатда ўтган, шунга қарамай, жуда кам маош олган касб эгаларининг (тракторчилар, бульдозерчилар, сувчилар, қоровуллар) пенсияси масаласини ким кўриб чиқади? Пенсиямиз кўпаймайдими? Биздек ғариблар қариганда қадр топмаймизми?

Нурмамат ПАРДАЕВ

Чироқчи тумани

Азиз газетхонлар!

Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб бораётими? Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига –

t.me/ishonchmurojaat

манзили орқали мурожаат қилинг.

Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!





Жиззах вилояти



Семинар

Тарғибот тадбирлари давом этмоқда

Зарбдор туманидаги «ZARBDOR TEKSTIL» масъулияти чекланган жамиятида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан вилоятда фаолият юритаётган тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшмаси раислари ва аъзолари иштирокида янги тахрирдаги Меҳнат кодекси юзасидан ўқув-семинар ташкил этилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг таълимий ишлар бўлими мудири И.Юнусов томонидан батафсил маълумотлар берилди. Қайд этилганидек, амалдаги Кодекснинг фойдаланиш қўлами асосан давлат ташкилотлари ва саноатнинг йирик корхоналарига қаратилган бўлиб, кичик бизнес ва ЯТТда ишлайдиган шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари ҳисобга олинмаган.

Шунингдек, айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнатини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари акс этмаган. Хусусан, касаначилар, ёлланма ишловчилар, ўриндошлар, вақтинчалик ва мавсумий ишчилар, сменали ишчилар, масофавий ишчиларнинг ҳуқуқ ва

манфаатлари белгиланмаган.

Тадбирда илгариги Меҳнат кодексида мuddатли меҳнат шартномасини тузиш учун фақат 3 та асос мавжуд бўлгани ҳолда, янги кодексда 19 та асос келтирилгани, ушбу асосларнинг кенгайтиши бизнес юритиш ва жадал суръатларда ўзгарувчан бозор шароитларига тезкор мослашиш имконини бериши таъкидланди.

Ўқув-семинарда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Т.Бозоров қатнашди.

А.ТУРСУНОВ,

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Самарқанд вилояти



Касаба уюшма аралашгач

27,9 МИЛЛИОН СЎМЛИК ЗАРАР ҚОПЛАНДИ


Бинойидек ишлаб юрган Аминжон Шарифовнинг «оёғи тойди». Нима бўлганини тушуниб улгурмай, ишдан бўшатилди. Нега шундай ҳол юз берганини эса унга ҳеч ким изоҳлаб бергани ҳам йўқ. Чорасиз қолиб, бошини гоҳ у эшикка, гоҳ бу эшикка урди, натижа бўлмади.

Шундан сўнг у Касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашига ёрдам сўраб келди. Саъй-ҳаракатлар натижасида адолат тикланишига эришилди. «Худудий электр тармоқлари» АЖ Самарқанд филиали мутасаддилари билан музокаралар олиб борилди. Иш берувчига ваколати доирасидан четга чиқиш ҳолатлари тушунтирилиб, қонун талабларига риоя этиш тавсия этилди.

Касаба уюшмалари талаби билан Аминжон Шарифов илгари ўзи ишлаб келган лавозимга ишга тикланди. Корхона томонидан унга мажбурий бекор юрган кунлари учун 22 556 046,66 сўм миқдорда иш ҳақи ҳамда 5 400 000 сўм маънавий зарар тўла берилди.

Зухра МАМАТҚУЛОВА,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири



Қашқадарё вилояти

Давлат кадастрлари палатаси Қашқадарё вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий филиалларида 462 нафар ходим меҳнат қилади. Бошқармада 2021-2023 йиллар учун жамоа шартномаси тузилган бўлиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси, иш ва дам олиш вақти, меҳнат таътили, уларни бериш тартиби ҳамда мuddатлари – барча-барчаси меъърий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Бошланғич ташкилотда жамоа шартномасида белгиланган тадбирларни бажариш учун йил давомида бир ходимга сарфланган маблағ 9 миллион 800 минг сўмга тўғри келди. Мазкур кўрсаткич ушбу ташкилотда бўлиб ўтган ўқув-семинарда ҳам эътироф этилди.

Бошланғич ташкилотда жамоа шартномасида белгиланган тадбирларни бажариш учун йил давомида бир ходимга сарфланган маблағ 9 миллион 800 минг сўмга тўғри келди. Мазкур кўрсаткич ушбу ташкилотда бўлиб ўтган ўқув-семинарда ҳам эътироф этилди.



Сирдарё вилояти

Гулистон шаҳрида жойлашган «Дўстлик» канали бошқармасида янги тахрирдаги Меҳнат кодекси ва Жамоа шартномасига киритилаётган ўзгаришлар ҳақида ўқув-семинар ўтказилди.

Унда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Эркин Бойниёзов, тармоқнинг вилоятдаги масъул ташкилотчиси ҳамда Гулистон шаҳар кенгаши тасарруфдаги бошланғич ташкилотлар раислари иштирок этишди.



Сезиларли силжишлар

Ўқувда агрораноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши тасарруфдаги 35 та бошланғич ташкилот етакчиси ҳамда иш берувчи вакиллари қатнашди.

Семинарда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Бобомурод Хўжаёров бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, жамоа шартномалари тузишда Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган тавсиялардан фойдаланиш, янги тахрирдаги Меҳнат кодексини ўрганиш ва амалга татбиқ этиш ҳақида сўз

юритди. Шунингдек, касаба уюшма кўмиталари фаолиятини мукамал иш режаси асосида йўлга қўйиш, ҳужжатлар номенклатурасини шакллантириш, март-апрель ойларида жамоа шартномасининг бажарилишини кўриб чиқиш ва янгисини тасдиқлаш бўйича умумий йиғилишларни ташкил этишга доир тавсиялар берилди. Муҳим локал ҳужжатнинг тегишли экспертиза комиссиялари томонидан экспертизадан сифатли ўтказилиши лозимлиги таъкидланди.

Шундан сўнг, тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Тўйчи Жуманов ўтган йилда бажари

рилган ишлар ва галдаги вазифалар тўғрисида ҳисобот берди. Ходимларнинг ҳуқуқий ҳимояси, иш ҳақида қарздорликларни бартараф этиш, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси тадбирларини изчил амалга оширишда сезиларли силжишлар кўзга ташланганини таъкидлаб ўтди.

Семинар доирасида иштирокчилар Давлат кадастрлари палатаси Қашқадарё вилояти бошқармаси касаба уюшма кўмитаси фаолиятини ўзда акс эттирган кўргазма билан ҳам танишдилар.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Ҳуқуқий саводхонлик оширилди


Янги тахрирдаги Меҳнат кодексида ходим ва иш берувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустақамлаб қўйилган бўлиб, масалан, ходим меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос келадиган иш жойига эга бўлиш, иш вақти давомийлигининг чегарасини, айрим касблардаги ва тоифалардаги ходимлар учун қисқартирилган иш вақтини белгилаш, ҳар 13 ҳафталик дам олиш кунлари, ишланмайдиган байрам кунлари, шунингдек, йиллик меҳнат таътиллари бериш орқали таъминланадиган дам олиш

каби қатор ҳуқуқларга эга. Киритилаётган нормалар жуда кўп, жумладан, Меҳнат кодексидаги 130 дан ортиқ модданинг жамоа шартномаларида ҳам мустақамлаб қўйилиши кутилмоқда.

Семинарда қатнашчиларга ана шу каби янги нормаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди.

Қаршибой ЭШНАЗАРОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари Касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Сўранг, жавоб берамиз



Ишловчи пенсионер бўлсангиз

САВОЛ: Қонун бўйича корхона раҳбари пенсионерларни ишдан бўшатиб юборишга ҳақли дейишди. Эшитишимча, бу қоида яқинда йўқ қилинар экан. Шу тўғрисида аниқ маълумот берсангиз.

Деҳқон ҚУРБОНОВ

Яшнобод тумани

ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда амалда бўлган Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандида ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига асос вазифасини ўтатиш мумкин эканлиги белгиланган. Бироқ адолат мезонларига биноан, ҳар ким меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда тенг имкониятларга эгадир.

Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш тақиқланади. Жинси, еши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкый ҳолати ва мансаб мавқеи, яшаш жойи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик сифатлари

ва меҳнати натижалари билан боғлиқ бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнат ва машғулотлар соҳасида бирон-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита тахрирдаги Меҳнат кодексида асос қўзда тутилмаган. Ушбу адолат тамойилидан келиб чиққан ҳолда, 2023 йил 30 апрелдан бошлаб кучга кирадиган янги тахрирдаги Меҳнат кодексида ходим билан тузилган меҳнат шартномасини унинг ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келгани сабабли иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш билан боғлиқ асос қўзда тутилмаган.

Демак, мазкур кодекс қонуний кучга кирганидан кейин ишлаётган пенсионерларни юқорида кўрсатилган асос бўйича ишдан бўшатилишига йўл қўйилмайди.

Безорилик қилганга...



САВОЛ: Баъзи маҳалларда жанжалкаш болалар учраб туради. Улар кўпинча уйларнинг деразаларига тош отиб сундириш, ўтган-кетганларни, айниқса, ўсмир ўғил-қизларни ҳақоратлаш, дўппослаш каби безориликлар қилиши ҳақида тез-тез эшитиб тураемиз. Бундайларни йўлга солишнинг қонуний жиҳатлари бўйича тушунча берсангиз. Умуман, безорилик учун қайси ишдан бошлаб жиноий жавобгарликка тортиш мумкин?

Шўхрат ИСАЕВ

Пайариқ тумани

ЖАВОБ: Жиноят кодекси бўйича жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортилади. Шу билан бирга, мазкур кодекснинг 277-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган баданга ўртача оғир шикаст етказиш, бир гуруҳ шахслар томонидан, соғуқ курул ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган воситаларни курул сифатида намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаш, ўз мазмунига кўра умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан, ёш бола, қария, ногирон ёки оғир аҳволдаги шахсларни ҳўрлаб, кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкни нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб со-

дир қилинган безорилик учун жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Агар ҳуқуқбузарлик содир этган шахс қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган бўлса, унга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини (масалан, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекциясида махсус ҳисобга қўйиш ва унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатилган, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларга ўтказиш, махсус таълим-тарбия муассасаларига жойлаштириш) қўллаш мумкин.

Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт бўлими



Тошкент шаҳри

Билимлар синовдан ўтди

Чилонзор туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми раҳбарияти ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида 3-босқич талабалари ўртасида «Ибн Сино издошлари» кўрик-танлови ўтказилди.

Тадбирда тиб илми султони-нинг илмий меросини ўрганиш, аҳоли саломатлиги йўлида масъулиятни ошириш, тибий маданиятни кенг тарғиб қилиш

ва шу тариқа ўқувчиларнинг билимларини янада оширишга йўналтирилган илмий асарлар қўлёзмалари қўлланма ва рисоалар бурчаги ташкил этилди.

Беш босқичдан иборат илмий беллашувда «Ҳамширалик иши» йўналиши 3-босқич ўқувчиси Феруза Раҳмонованинг иштироки ва кўрсаткичлари юқори баҳоланди. Унга ва фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари, фахрий ёрликлар топширилди.

– Мақсадимиз – таълим тўғрисидаги қонун талабларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, етук ва барка-

мол ўрта тиббий мутахассисларни тайёрлашдан иборат, – дейди техникум директори И.Йўлдошев. – Ташкил этилган бу тадбир битирувчиларимизнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятларини намоён этиш, танлаган касблари бўйича қанчалар билимга эга эканликларини кўрсата олишларига имкон берди, деб ўйлайман.

Э.АЗИМОВ,

Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми касаба уюшма кўмитаси раиси





Ташкент вилояти

Дунёнинг энг бадавлат кишиларидан бири Жек Ма космик станцияга ташрифи чоғида битта фаррошга дуч келиб, ундан ҳол-аҳвол сўраганда, фаррош «Мен коинотга одам учирагман, халақит берма», деганини эслайди. Бу билан Жек Ма унинг ўзини оддий фаррош деб эмас, балки коинотга одам учираётган жамоанинг муҳим бир вакили деб ҳисоблашни алоҳида таъкидлайди.

Хар сафар кўча-кўйда ишлаётган ободонлаштириш ходимларини кўрсан, ўша фаррошнинг гаплари ёдимга тушаверади. Юртимиз ободлигига ҳисса қўшганимиз деб хабарларда жар солаётганларни эшитсан, бунинг ортида ана шу биз пайқаб-пайқамайдиган ободонлаштириш ходимларининг беминнат хизмати борлиги, айнан улар мамлакат ободлиги учун жон куйдираётгани хаёдан ўтади.

Бугун ана шундай шарафли ишни бажарётган ободонлаштириш ходимларини қандай муаммолар ўйлантиряпти? Умуман, уларга яратилган шарт-шароитлар қандай, ойлик маошдан кўнгли тўлпатими? Иш ҳақи меҳнатига ярашами, эҳтиёжлари учун етарлими? Аслида, ободликнинг нархи қанча?

Хуллас, Чирчиқ шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходимлари билан иш жараёнида учрашдик. Ёши олтинчидан ўтган, шундай бўлса-да, ўзи анча тетик ва ҳушчақчақ хола биринчи суҳбатдошимиз бўлди.

– Ишимиз саккиздан тўртгача, – дейди ўзини танитишни истамган аёл. – Шанба кунлари тушликкача иш бўлади, агар навбатчилик бўлиб қолса, дам олиш куниям ишга чиқамиз.

Ун тўрт йилдан бери шу ерда ишлайман. Байрам саналари муносабати билан онда-сонда мукофот пули, совға-салом, озиқ-овқат олиб тураман. Солиқлардан ташқари кўлимга тегадиган ойлик маошим бир миллион етти юз минг сўм атрофида. Ҳозир бу ошгани. Авваллари бундан ҳам кам олар эдим.

Ўғлим ҳам мен билан бирга ишлайди. Нолимайман, ойлигимиз кам бўлса ҳам, қора қозон қайнаб турибди. Одам нафақага чиққач, бир жойда ўтириб қолса, касал бўлиб қолиши ҳеч гап эмас экан. Шу боис жисмоний меҳнат билан бандман.

Холанинг ёнидаги 39 ёшли акадан ҳам фикр сўрадик.

– 9 йилдан буён шу соҳадаман. Икки нафар фарзандим бор. Раҳбарият чақирса, дам, байрам, ёмғир, қор бўладими, фарқи йўқ, ишга чиқиш кетаверамиз. Лекин қўшимча чиққан кунларимизга пул тўлашмайди. Маошим икки миллион сўмга бормайди. Топганим рўзгорни тебратишга етгани боис яқинда аёлим ҳам шу ерга ишга кирди.

– Тўғриси айтганда, биз учун тузук-қуруқ шароитнинг ўзи йўқ, – дея эллик ёшлар атрофидаги яна бир аёл гапга аралашди. – Масалан, кўчанинг ўзида тушлик қилишга тўғри келади, қишда совуқ, ёзда иссиқ, ҳудуддан ҳудудга пиёда борамиз. Узоқ жойга борсак, ўз ёнимиздан йўлқира қиламиз. Бир ҳафтада бир навбатчилик бор, аммо унга ҳақ тўлашмайди.

Бизга берилётган маош рўзгорга етмайди. Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай ишлайдиган ободонлаштириш ходимларининг ойлик маошлари ҳеч бўлмаса, 3-4 миллион сўм бўлиши керак эмасми? Икки миллион сўм нима дегани? Ҳатто баъзи кунлари кечки 9 гача, тунги 1 гача ҳам ишда қолиб кетамиз. Авваллари ойлиқлар чўзилиб кетарди. Ҳартугул, ҳозир бу муаммо ечим топди.

Дарҳақиқат, аёлнинг ойлик маош ҳақидаги фикрларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Чунки ҳозирги кунда битта оилани тебратиш учун бир ярим-икки миллион сўм ойлик

ҳеч нарса бўлмайди. Ободонлаштириш ходимлари қанча ойлик олишини уларнинг ўзларидан эшитдик. Энди бу борадаги қонунчилик нормалари билан танишсак.

Айни вақтда ободонлаштириш ходимларига Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида белгиланган тариф коэффициентлари ҳамда 2009 йил 1 апрелдаги «Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг 2-иловаси билан тасдиқланган «Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ ойлик тўлаб келинмоқда.

Шу ўринда тозалик ходимларининг тариф коэффициентларига ойдинлик киритсак. Бунда Тошкент шаҳри туманларидаги бошқармаларга алоҳида, Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли бошқармага алоҳида ва Тошкент шаҳридан ташқаридаги барча (вилоят, туман, шаҳар) бошқармаларга алоҳида тариф коэффициентлари белгиланган.

Демак, ходимлар тариф коэффициентлари бўйича мана шу 3 та ҳудуд (Тошкент шаҳар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳридан ташқари жой)дан қайси бирига тегишлилигига қараб, ойлик олади.

Бу бўйича батафсил маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган:

Тариф зонаси	Тариф коэффициентлари	Тариф зонаси	Тариф коэффициентлари	Тариф зонаси	Тариф коэффициентлари
Тошкент шаҳри	1,196	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	1,316	Тошкент шаҳридан ташқари	1,447
Тошкент шаҳри	1,196	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	1,316	Тошкент шаҳридан ташқари	1,447
Тошкент шаҳри	1,044	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	1,149	Тошкент шаҳридан ташқари	1,264

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 апрелдаги «Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 91-сонли қарори 2-иловаси билан тасдиқланган «Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом»нинг «Кўшимча тўлов ва устамалар» номли 3-боби 9-бандига кўра, бошқарма ходимларига:

- иш вақтидан ташқари ишлаганлик ҳамда дам олиш ва байрам кунлари ишлагани учун – соатбай тариф ставкасидан келиб чиқиб, икки барабар миқдорда;
- тунги вақтларда ишлагани учун – соатбай тариф ставкасидан келиб чиқиб, 1,5 барабар миқдорда;
- бир неча касбда (лавозимда) ишлаганилик, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирганлик ва ўзининг асосий иши

билан биргаликда вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажарганлик учун – асосий касб (лавозим) бўйича ходим учун белгиланган меҳнат нормасидан ортиқча амалда бажарилган иш учун соатбай тариф ставкаси миқдорига қўшимча тўловлар тўланади.

Соатбай тариф ставкаси миқдори ишчининг тариф ставкасини иш вақти нормал давом этган тақдирда, иш соатлари ўртача ойлик сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Шунингдек, 3 та тоифали ҳудудга кирувчи бошқарма хизматчиларининг барчасига ойлик тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 15 фоизи миқдорига устам белгиланади; ободонлаштириш бошқармалари ҳамда махсус эксплуатация-монтаж бўлимлари (бўлимлари) ходимларига овқатланиш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорига компенсация тўланади.

Қолаверса, ободонлаштириш ходимининг иш стажидан келиб чиқиб, ҳар чорак (квартал)да тўланадиган мукофот пули ҳам мавжуд. Буни мана бу жадвалда ҳам кўриш мумкин:



Соҳа меҳнатқашларининг маошлари юқоридан кўрсатилган параметрлар бўйича ҳисобланганда, ҳақиқатан ҳам, ходимлар айтганидек, бир ярим-икки миллион сўм атрофида экан.

Вақти келса, ўзимиз оддий сув идиши ёки бирон-бир қоғозни чиқинди идишга ташлашга ҳам эриниб, дуч келган жойга улоқтириб кетамиз. Аммо бу соҳада меҳнат қилаётган ака-опаларимизнинг маоши камлиги, уларга яратилган шароитлар айрим каттақонларга берилган имтиёзлар олдида қилча эмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Икки миллионга ҳам етмайдиган маошга сабру-қаноат қилиб, таъбир жоиз бўлса, шу ишни ҳам йўқотишдан қўрқиб юрган соҳа вакилларига қуруқ раҳматнинг ўзи камлик қилади.

Хўш, уларга тўланадиган маошнинг чўғи ҳақида ўйлаб кўриш фурсати етмадиммикан?

Хуллас, уларга шундай иш ҳақи ва шароит яратиб берайликки, топган пуллари эҳтиёжидан ортинс. Улар ҳам кино, театр, музейларга боришга имкон топа олсинлар. Зиёлилар тили билан айтганда, маънавий ҳордиқ чиқарсин.

Соҳа мутасаддиларидан мазкур масалани жиддий таҳлил қилишни, меҳнатқашларнинг иш ҳақини бугунги ҳаққоний нарх-навоени, истеъмол саватчасини ҳисобга олган ҳолда белгилашни сўраб қоламиз.

Азиз МАТЎҚУБОВ



Кўклам остонасидаги ўйлар



ЗИЙНАТГА ҲАМ, ҚАҲРГА ҲАМ БОЙ ФАСЛ

Қирқ турли киш бу сафар ҳам азалий ҳунарини кўрсатди. Кузнинг ўрнини эгаллагани ҳамона қаҳр отига миниб, бутун борлиқни забтига олди. Кейин қўққисдан қитмирилги тутиб, бирмунча мулоийм тортиди. Январ ойининг иккинчи ўн кунлигига эса яна эски қилиғини такрорлаб, аномал совуққа доялик қилди. Охир-оқибат, об-ҳаво юртимиз миқёсида кундузлари ўртача 5-7, тунлари 12-17 даражага қадар совиди. Йўлларда хавфли яхмаклар, томлар пештоқларидан катта-кичик сумалаклар пайдо бўлди.

Бешафқат аёз одамларни қийин аҳволга солиб қўйди. Сон-саноксиз оилалар аъзоларини бир хонада тунаб, жон сақлашга, иссиқлик, газ ва электр токига зор бўлиб яшашга маҳкум этди. Шунинг баробарида, энергетика соҳасида мавжуд жиддий ҳато-камчиликлар бирин-бирин юзга қалқиб чиқди. Жумладан, мутасаддилар мавсумга бу сафар ҳам олдиндан пухта ҳозирлик қўришмагани, ўз вазифаларига масъулият-сизиларча ёндашгани, Президентимиз афсус ила таъкидлаганидек, тизим ичидан емирилгани, унда коррупция авж олгани ўз-ўзидан фош бўлди...

Хайриятки, қантар оғандан кейин қиш шаштидан таша бошлади. Тўғри, ўтган ҳафта охирида сул жаҳли кўзиб, қор атрофини тагин оппоқ қор билан бурқашга чоғланди-ю, журъати етмади. Энди кўклам нафаси

уфуратганини, у билан беллашса, мағлуб бўлиши тайинлигини илғагандай, аҳдидан қайтди.

Ниҳоят, фасллар келинчаги саналмиш кўкламни кўнглимизда ниш урган минг бир инча туйғурлардан масрурланган ҳолда кутиб олдик.

Бироқ ҳали қувонишга андак эрта. Чунки қиш ҳозирча ҳукмронлик тахтидан бутунлай воз кечгани йўқ. Инчунин, хотиржамликка берилмаслигимиз, баҳор бошланиб, ҳаво илганига алданмаслигимиз, машойиҳлар таъбири билан айтганда, гулпимиз қалин бўлса ҳам, қишдан қўрқшимиз, аёз ариди, дея зинҳор-базинҳор тўнимизни сотмаслигимиз керак!

«ҚИШ»ГА АЙЛАНГАН «ҚИС»

Шу ўринда бир савол туғилади: қулоққа чалинганидаёқ дилни сескантирувчи, этни жунжиқтирувчи «қиш» сўзи қачон пайдо бўлган? У қайси тилдан олинган ва моҳиятан қандай маънони аналатади?

Тарихий маълумотларга қараганда, аллазамонлар Марказий Осиё ҳудудига худди ҳозиргидек турли миллатга мансуб халқлар аҳил-иноқ яшашган. Улар дастлаб қорвачилик билан шуғулланишган. Илиқ-иссиқ мавсумларда молларини сарҳадлари уфқларга тутатиб кетган бепоён чулу биёбонларда, дашту далаларда, қир-адирлар тоғларда беамалол боқишган. Серсаховат ва баҳаво бу гўшаларни қозоқлар, қирғизлар, татарлар жой, жоюв, жойилиб, жайлов, жайма,

ЯХШИ КҮН САҲАРИДАН, ЯХШИ ЙИЛ БАҲОРИДАН БИЛИНАР...

ўзбеклар эса ёз, ёнов, ёйилма, яйлов, ёймоқ деганлар. Пировардида, яқдил тўхтама қелиб, ўт-ўланлар барқ уриб ўсадиган, ноз-неъматлар фарқ пиадидиган, одамзод ва паррандаю даррандалар яйраб-яшнайидиган «гилла» кенг фаслни мухтасаргина қилиб, ёз деб атаганлар.

Совуқ кунлар бошлангач, ҳаммаёқни қор қоғлаб, қаҳратон авжига чиққан. У кучайгани сайин тирикчилик ва қорвачилик имкониятлари тораёнган, рўзгорда тақчилликлар вужудга келган. Кечагина истаган жойида кўним топган одамлар энди тор ўтовлару омонат қулбаларда теқилиб яшашга мажбур бўлишган. Бундай давларда ёшу қарини қишининг тор ўчоғи ўзига торган, уларнинг кўноғи ҳам, зиёфати ҳам олов бўлиб қолган. Хайвонот оламининг ҳам ризқ-насибаси қийилган. Қўй, эчки, от, туя ҳамда буғулардан иборат отар, сурви, йилки ва уор подалари баъзан совуқдан катта талафот кўрган.

Ана шу боис танглик ва қисилиб-қимтиллишлар рўй берадиган мавсумни қозоқлар «қис» деб аташган. Бошқалар эса бу сўзини ўз тилларида «қиш» дея талаффуз қилишган. Алқисса, «қис» бора-бора «қиш»га айланган. Шундай эса-да, аслро оша бизга етиб келган «Ёз – ёзил, қис – қисил», «Ёз – ёзилмоқ, қиш – қисилмоқ» каби мақолларда эски туркийча ушбу қалиманинг асл шакли ва туб лўғавий маъносини сақлаб қолган.

АЯМАЖУЗ ОЛТИ КҮН, ҚАҲР АЙЛАСА, ҚАТТИҚ КҮН

Биз ўз наздимизда қиш 1 декабрдан 1 мартгача бўлган даврни қамраб олади, деб ўйлаймиз. У илмий жиҳатдан ҳам шартли равишда шундай белгиланган. Қадим-қадимда ўлкамизда умрғуздорлик қилган аждодларимиз эса бу фасл дебocasини 13 декабрь, ниҳоясини 13 март деб ҳисоблашган ва унга «Тўқсон» номини беришган. Ҳар эҳти-молга қарши яна ўн кун қўшиб, «сад пок» ҳам дейишган. Узоқ йиллик кузатишлари ас-

носи аксарият йилларда «Тўқсон»нинг сўнги олти кунда қаттиқ совуқ тушиб, ер музлашини аниқлашган. Бу кунларни «Аямажуз» ёки «Шаша» (олти кун) деб аташган. Аямажуз арабча «айём» ва «ажуз» сўзларининг ўзаро қўшилиши – «айёми ажуз»дан ҳосил бўлган. Ўзбекчага ўғирсақ, «кампир кунлари», рамзий маънода қишининг охири дегани бўлади. Зеро, ушбу давр қишининг супрақоқдиси бўлгани сабабли ёшини яшаган, ошини ошаган табарруқ момоларга қиёсланган.

Баъзи манбаларда Аямажуз февралнинг адоғи ва мартнинг бошига тўғри келиши ва етти кундан иборат эканлиги эслатилган. Қандайлигидан қатти назар, унинг ўзига хос ажиб тарихи бор. Шотурсун Шомоқсудов ва Шухрат Шораҳмадовнинг «Маънолар маҳзани» китобида бунга далил сифатида буюк алломаимиз Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаридан иқтибос келтирилган. Унинг мухтасар мазмунини қуйидагича: шубот (февраль) ойна ниҳоясида бир ҳафталик «кампир кунлари» бўлади. Кабисали йилда унинг тўрт куни шуботга, уч куни озор (март)га, кабисали бўлмаган йилда уч куни шуботга, тўрт куни озорга тааллуқли ҳисобланади.

Кабиса йилини эса, ўзингиз яхши биласиз: у февраль ойи 29 кеча-кундуздан иборат, жами ойлар йиғиндиси 366 кунга тенлашадиган сана бўлиб, ҳар тўрт йилда бир марта такрорланади.

Ровийларнинг нақл қилишларича, Қуръони Каримнинг Ал-ҳаққа сураси олтинчи-еттинчи оятларида баён этилган даҳшатли воқеа айнан шу кезларда содир бўлган. Аллоҳ таоло қиёмат куни муқаррарлигига шак келтирган Од қавми устига пайдар-пай етти кечаю саққиз кунлик қуртурган бўронни ҳоким қилиб қўйган. Қарабсизки, кучли ва совуқ шамол гирдобиде қолган қавм аҳли қирилиб кетган. Фақат биттагина кампир тирик қолган ва ҳалок бўлганлар шаънига марсиялар ай-

тиб йиғлаб юрган.

Бошқа фараз бўйича қиш адоғида ҳаво исига, бир кекса аёл иссиқ кийимларини ечиб ташлаган. Ҳеч қанча ўтмай, тўсатдан тушган аёз тўфайли жон таслим қилган. Тахминларга кўра, ота-боболаримиздан мерос қолган «Тўқсон, бир кунимча йўқсан!» деган гап ўша аёл тилидан айтилган. «Аямажуз олти кун, қаҳр айласа, қаттиқ кун», «Аямажуз олти кун, олти ой қишдан қаттиқ кун», «Аҳмон-даҳмон олти кун, қаҳрига олса, қаттиқ кун», «Ажум момо олти кун, сакангласа – саккиз кун, тўқангласа – тўққиз кун», «Ёзинг пашшасидан эҳтиёт бўл, қишининг шашасидан» сингари ўзаро уйқаш нақллар ҳам шу муносабат билан яратилган.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Юқорида тилга олинган далиллар ва билдирилган фикрларга таяниб хулоса чиқарадиган бўлсак, биз ҳадемай «Тўқсон»нинг гоҳида «хўкиз ўлдирар» даражада изғирин бўлиши эҳтимоли бор сўнги ҳафтасини қаршилаймиз. У тугаб, етти кун ўтар-ўтмас, Наврўз келади. Наврўздан кейин эса ўта қаттиқ совуқ деярли бўлмайди. Негаки, Шамсий йилнинг биринчи ойи – Ҳамал кираса. Бу вақтда қиш уйқусини бутунлай тарк этган табиат аста-секин чирой очади. Кузда ушиб кетган қушлар дийеримизга қайтиб, шох-шаббалари шипшайдон дарахлар куртак отади, экинлар жадал амал олиб, гуллар хушбўй атрини сочади. Бутун борлиқда уйғониш ва яшариш жараёни авж олади. Демак, юртимизда ҳақиқий кўклам бошланади. Уни соғинган одамларнинг юзиде шукроналик ҳисси балқийди, дилида ва жисмида ўзгача куч-ғайрат жўш уради.

Барчамизга баҳор айёми қутлўв бўлсин, ҳар биримизга шундай фараҳбахш кунларнинг кўпини кўриш насиб этсин, азиз дўстларим!

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

Омон Матжон соғинчи

Бизга замондош бўлиб, Омон Матжон деган улкан бир шоир яшаб ўтди. Ундан гўзал шеърӣ тўпламлар, дostonлар, драматик асарлар ва хотиралар мерос бўлиб қолди.

Хали-ҳануз эсимда, XX асрнинг 80-90-йилларида шоирнинг «Гаплашадиган вақтлар» шеърӣ қиссаси машҳур бўлди. Дарвоқе, «гаплашадиган вақтлар» – бу жуда муҳим бир бирикма-тушунча. Қачон гаплашамиз? Гаплашишга имкон борми? Қачон бемалол ва сокин бир вазиятда гаплашиш мумкин?

Бу оламни тарқ этган, Аллоҳнинг даргоҳига етган оддий инсон билан гаплашиш қийин. Биласиз. Аммо шоирлар, ёзувчилар – ижод аҳли билан ҳамisha гаплашиш мумкин. Унинг китобларини кўлга олган маҳал «гаплашадиган вақтлар» учун имкон пайдо бўлади. Дилбар, лирик гурунглр бошланади беихтиёр...

Дарҳақиқат, Омон Матжон билан биз бугунги кунларда, соғинганимизда, албатта, шеърлари орқали гаплашамиз. Унинг дардини, қалбини, ўғитлари ва ҳикматларини англаймиз, беихтиёр шоирни ёнимизда ҳис этамиз. Тирик сўз мерос қолдирган шоир ўлмайди. Сўзи амалига уйғун яхши шоирларнинг юрак сўзлари боқий.

Омон Матжон... Бу исм ўзбек шеърӣати муҳаббларига ярим асрдан кўпроқ мuddат давомида йўлдош бўлди. «Шеърӣат – ҳамма-нинг ўзи, ўзлиги», деган эди Омон Матжон...

Бу шоир ўз номини қанчадан-қанча шеърпарастрлар қалбига нақшлади.

Яхши инсон, тўғрисиўз ва виждонли шоир унутилмайди. Дейлик, Омон Матжон хоразмча ширали оҳангда, бироз карашма ила ҳамон:

«Ўртамизда биргина олма-Олам ичра юмалоқ илнж. Ўртамизда биргина олма – Балки ғам у ё балки севинч.

Ўртамизда биргина олма, Ярми қизил, ярми оч-яшил. Ҳаё тугёнидан қизил у, У соғинчининг рамзидир асил...».

дея инжа шеър ўқийди. Унинг мағрур ва виқорли назари ҳалигача кўз олдимиждан кетгани йўқ. Унинг салобатли, майин ва рубобий шеърӣ сўзи ҳали-ҳамон қулоғимиз остида жаранглаб турибди:

«Чарх авзойи бу дам аввалгиларга ўхшамас, Котибу даври рақам аввалгиларга ўхшамас. Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас, Кўнглим ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас, Ким ул ойнинг хажри ҳам аввалгиларга ўхшамас...»

Ҳаққаст рост! Омон Матжон ва унинг овози, шеър ўқиш услуби, сўзи ва умуман, ўзи «аввалгиларга ўхшамас» – ўзича бир олам. Бу ардоқли шоир, табиийки, кейингиларга ҳам ўхшамас... Шоирнинг ижодкор сифатидаги адабий шахсияти, сиймоси шундай «ўхшамасликлар» билан шарафли, қадри ва муҳимдир...

Омон Матжон ижодида Хоразм ва унинг тарихи, тарихий сиймолар, «Ҳаққуш қичқирғи» туркумидаги тарихий ривоятлар алоҳида ўрин тутди. Маънан таваллуд топган – таълим олган маскан қадим Самарқанд ва унинг тарихи ҳам Омон Матжон учун эъзозли, эҳтироғма муносиб.

Кичик бир хотира: 2012 йилнинг баҳори эди. ЎзМУ ўзбек филологияси факультетида Омон Матжон билан учрашув бўлди. Айнан мана шу аудиторияда чорак аср муқаддам «Гаплашадиган вақтлар» китоби тақдими ўтказилганини, у пайтлар биз талаба бўлганимизни эслатсам, Омон Матжон ўзида йўқ шодланиб, «шишган»дек

эрка қилиқлар қилиб, талабаларни кулдирди. Кейин «Дийдор азиз» китобидан шеърлар ўқиди.

Йиғинда профессор Умарали Норматов ҳам қатнашди. «Омон Матжон ижодида фақат замонаси, ўз юрти воқеа-ҳодисалари, тенгдошлари дарду таъшишлари изҳори – ифодаси билан чекланмайди; кечмиш, тарихий сиймолар таъбири ҳам ижодида салмоқли ўрин тутди. Омон – жаҳонгашта шоир, унинг сафар таассуротлари асосида битилган туркум шеърлари ҳам мавжуд» деди у.

Шундан кейин Омон Матжон 80-йиллардаги хориж сафаридан гап очди. Эслади. Чет элдаги битта дўкон эгаси келган сайёҳларга дунё харитасини кўрсатиб, ундан ўз юртини топиб, унга нина санчиш «маросимини» ўтказган экан. Шоир ўша паллада шундоқ ҳам юртининг юраги пароканда бўлиб ётганини мезбонга эслатиб, Ўзбекистонни харитадан кўрсатиб, нина санчиш «маросими»дан ҳақли равишда бош тортибди. Шоир бу ишидан гурурангани сезилди. Шу муносабат билан:

«...Юртимнинг қалбини бир бор кўрсайдинг, Найзалар ўрнини, минглаб битмаган. Доро, Искандарлар тиғ урган унга, Энди мен санчишим гўё етмаган...»,

дея яхши бир узун шеър ҳам ўқиди...

Агар адабиётшунослик нуқтаи назаридан Омон Матжон адабий мулкига назар солинса, шоир ўзбек адабиёти хазинасига ўзининг муносиб жавҳарларини тухфа қилгани ойдинлашади.

Омон Матжон бетоблигини эшитган мухлисларидан бири, Матқуб Қўшжоновнинг ҳамқишлоғи, ҳалланглик истеъдодли шоир Абдувоҳид Сайид Мухаммад «Мен учун ҳол сўранг Омон Матжондан» деган шеър ёзди:

«Ука бўлиш мумкин, дўст бўлиш мумкин, Ош-қатиқ ичмасдан бир дастурхондан. Йўлингиз тушса гар кун келиб, бир кун, Мен учун ҳол сўранг Омон Матжондан.

Хоразм юртида даҳолар бисёр, Хоразм юртида буюклар кўпдир. Осмонни таъзимга келтирган минг бор, Суюклар кўпдирлар, суюклар кўпдир.

Жайхун-ку ҳар битта хоразмликнинг, Гумбуллаб юракда жўшган қонидир. Мироби шоирдир, устаси шоир, Фарқи йўқ фуқаро ва ё хонидир.

Шеърнинг дарёсида мен бир кичик хас, Қисматга тобеман қайсидир ондан. Йўлингиз тушса гар, мен учун бир пас, Ёнидан жой сўранг шоир Омондан.

Шеър ёзмоқ осондир, шоирлик қийин, Бир бор йўқотганинг минг бор йўқотиб. Қолмоқ бир қийиндир, кетмоқ минг қийин, Кўёш чиққанида куёшдай ботиб. Майли-да, бу ҳам бир шеърдир-да беун, Шеър ҳам яралди гоҳида жондан. Йўлингиз тушса гар кун келиб, бир кун, Мен учун ҳол сўранг Омон Матжондан...».

Ўшанда шоирдан ҳол сўралди. Омон Матжон қувонди... Оёққа турди. Анча йил яшади, шеърлар ёзди. Аммо қисмат ёзиғи – бу муллақ имзо...



Омон Матжонни соғинганда сувратларига қараймиз. Тенга таралган ўжар сочлари, ним табассум – мағрур ва ориятли шоир сиймоси...

Омон Матжонни соғинганда қатор китобларини аста варақлаймиз. Китоблари ичидан шеърӣ мисралар шоир дарду ҳолидан, кўнглидан, сирларидан сўзлай бошлайди:

«Дилимнинг рангини гул билса бўлди, Менинг кимлигимни эл билса бўлди.

Олис юлдузларга сиррим айтмирам, Нолишимни тонгни ел билса бўлди...».

Омон Матжонни соғинганда гўзал шеърларини ўқиймиз ва бугун, на илож, тақдир битиги, шоир руҳини шод этиш учун хайрли дуолар қиламиз.

Шоир ажойиб ҳофиз Отажон Худойшукуровга бағишланган шеърда дўстини «учинчи дарё» ўлароқ рамзлаштирган эди. Тўғри, бу элда Сир бор, Аму бор. Бирок бу элнинг ҳар бир хушнаво ҳофиз, истеъдодли шоири ўз ижоди билан ҳамisha учинчи дарё бўлиб адабиёт, санъат ва маърифат аҳлининг маънавий чанқоғини қондиради. Учинчи дарё ўлароқ, яхши инсонлар қалбида мавжланади.

Баҳодир КАРИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
адабиётшунос



Ижтимоий тармоқларда йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ бир «янгилик»жа кўзим тушди. Унда айтилишича, ҳар қандай русумдаги энгил автомобилларнинг орқа ўриндиғида уч кишидан ортиқ йўловчи бўлса, жарима солинар экан. «Ўзи қоида бўйича шундай-ку...», дейсизми? Тўғри, шунча. Аммо...

Илгари вазият тақозо қилса, орқа ўриндиқда катта ёшдаги кишилар 12 ёшга тўлмаган икки-уч нафар бола билан ҳам кетавериши мумкин эди. Энди эса, ёшидан қатъи назар, орқа ўриндиқда фақат уч киши кетиши мумкин. Агар йўловчилар сони ошса, жарима тўланади, тамом!

Энди тасаввур қилинг: эр-хотин ва уч нафар боладан иборат ёш оила йўлга чиққан. Болажонларнинг каттаси олти, кичиги эса икки ёшда. Ҳайдовчи: «Ока, орқага тўрт киши мумкин эмас...» деб туриб олса, шунда бечора йигит аёли ва бола-чақасини ташлаб, бошқа машинада кетадими?.. Қизиқ, жудаям қизиқ...

Менимча, ҳеч бир эркак ёш болаларини онаси билан ёлғиз қолдириб, ўзи бошқа машинада кетмас керак. Яна ҳаммага аён ҳақиқат шуки, бўлиниб-бўлиниб кетишга, яъни йўлқирани ҳаммининг ҳам чўнтағи кўтармайди.

Амалдаги қоидага кўра, болаларни ушлаб турувчи махсус курилма бўлмаса, олд ўриндиққа 12 ёшга тўлмаганларни ўтказиш мумкин эмас! Агар киракашда ўша курилма бўлмаса-чи (бўлмайди ҳам), унда нима бўлади? Она олдинда, болалар орқада кетадими? Агар уч нафар болажонлардан бири эмизикли чақалоқ бўлса-чи?..

Хуллас, нима эмиш, «янгилик»нинг жорий этилишига автоматшаналар учун белгиланган юк кўтариш меъёри «асос» қилиб олинбди. «Э, ўйнаб кўйдим...».

Алижон АБДУРАҲМОНОВ

Инсон учун энг самарали ёш даври

АҚШда шифокор ва руҳшунослар инсон умрининг энг самарали даврини аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказишди. New England Journal of Medicine нашрида эълон қилинган натижаларга кўра, бу 60 ёшдан 80 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Олимлар 60 ёшда инсон руҳий ва ақлий такомилнинг олий нуқтасига чиқиши ва бу 80 ёшга давом этишини аниқлади. Демак, 60, 70 ва 80 ёшга етганлар ўз ҳаётининг унумли паллаларини бошдан кечираётган бўлади.

ТАДҚИКОТ НАТИЖАЛАРИГА КўРА:

– инсон учун энг самарали давр –

60-70 ёшлар;

– кейинги самарадор давр –

70-80 ёшлар;

– 50-60 ёшлар

эса самара борасида учинчи ўринда турар экан. Бунга қадар инсон такомилнинг чўққисига чиқмаган бўларкан.

КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИШ ЁШИ

– Нобель мукофоти совриндорлари –

62 ёш;

– энг йирик компаниялар президентлари –

63 ёш;

– Рим папалари –

76 ёш.



Демак, инсон муваффақият чўққисини катта ёшда ҳам забт этиши мумкин. Албатта, бой тажриба, ҳаёт синовлари, изланиш ва ўрганишлар натижалари буларга мустақкам асос бўлади.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан 2020 йил 31 декабрда Комиллов Дилшод Турғунович номига берилган НН 0300 рақамли хизмат гувоҳномаси ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

МУАССИС:



2007-йил 11-январда
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doeerie»
gazetalari
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENAYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doeerie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43

Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi
muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-97) 506-86-98

Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati –
(+998-91) 406-43-24

Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34

Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02

Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28

Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-32

Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba sifatida gazeta
nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrirlar:

A. Abdurahmonov,
S. Abdurahmonov

Musahhihlar:

D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:

H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 01:50
Topshirildi – 02:10

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:

2021 0000 0004 3052 7001,
ATB «Ipoteka bank»

Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-313

Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31359

14535 nusxasi «Sharq»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida
chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.